



Ta'limni rivojlantirish
respublika ilmiy-metodik
markazi



Ўқувчиларда қунт билан ўқиш кўникмасини шакллантириш усуллари (Қозоғистон тажрибаси)

Омарбаева Нилуфар Дилмуратовна

Қозоғистон жумҳурияси, Туркистон вилояти, Туркистон
шаҳридаги «Е. Иззатуллаев номли умумтаълим мактаб» коммунал
давлат маҳкамасининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси



Давлатимиз раҳбари Қасым-Жомарт Тоқаевнинг Миллий Жамоат Ишончи Кенгашида берган кўрсатмаларига мувофиқ, Таълим ва фан вазирлиги "Ўқишга иштиёқли мактаб" («Оқуға қўштар мектеп») лойиҳасини маъқуллади. Ушбу лойиҳа туфайли ўқувчилар ва ёшларнинг бадий адабиётга қизиқиши орди ва мамлакат кутубхоналарининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ушбу лойиҳа 2020-2025 йилларда таълим муассасалари кутубхоналарини ривожлантириш бўйича Йўл харитаси доирасида амалга оширилди. Ҳар йили мактаб кутубхоналари бадий адабиётлар билан тўлдирилди.



Давлатимиз раҳбари Қ.Тоқаев Миллий қурултойнинг “Ҳалол инсон - ҳалол меҳнат – ҳалол манфаат” номли учинчи йиғилишидаги нутқида асосий қадриятларни атаб ўтди:

- **мустақиллик ва ватанпарварлик;**
- **бирлик ва ҳамжиҳатлик;**
- **адолат ва масъулият;**
- **қонун ва тартиб;**
- **меҳнатсеварлик ва касбий малака;**
- **ижодкорлик ва инновация.**

Ушбу қадриятлар “Яхлит тарбия” дастури доирасида ўрнатилган.

“Адал Азамат” яхлит таълим дастури таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларнинг асосига айланади. Қозоғистоннинг замонавий таълим тизимида ўқувчиларнинг шахсий ва ижтимоий ривожланиши учун асос бўладиган асосий қадриятлар белгиланган. Илгари ушбу қадриятлар сони еттита деб юритилган бўлса, ҳозирги концепцияда улар асосий йўналишлар ва тамойиллар сифатида гуруҳланган.



Қозоғистон Республикасининг ўрта таълим муассасаларида 2025-2026 ўқув йили бошланиш санаси, давомийлиги ва таътил муддатлари белгиланди

Ўқув жараёни 2 сентябрда бошланиб, 25 майда тугайди.

I чоракда ўқишга 8 ҳафта ажратилган. Кузги таътил 27 октябрдан 2 ноябрга қадар давом этади.

II чоракда 8 та ўқув ҳафтаси бор. Қишки таътил 29 декабрдан 2026 йил 7 январга қадар давом этади.

Биринчи синфларда қўшимча таътил 2026 йил 9 февралдан 15 февралгача 7 календарь кунини ташкил қилади.

III чорак 10 ўқув ҳафтасидан иборат бўлади. Баҳорги таътил 19 мартдан 29 мартгача давом этади.

IV чорак 8 ўқув ҳафтаси мавжуд ва 2026 йил 25 майда тугайди.

Мактабгача таълим ва тарбия мазмунини янгилаш мақсадида 2025-2026 ўқув йилидан бошлаб “Болаларни эрта ёшдан меҳнат ва касб-ҳунарга ўргатиш” пилот лойиҳаси ишга туширилди. Лойиҳадан мақсад - болаларни меҳнатга жалб этиш, меҳнатсеварлик, масъулият, қатъият каби фазилатларни шакллантиришдан иборат. Мактабгача таълим ва тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири меҳнатга, турли касб вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялашдир.

Болаларнинг ёш хусусиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ўйин ва амалий машғулотлар орқали ўқувчилар турли касбларни ўрганадилар ва асосий меҳнат кўникмаларини эгаллайдилар.

Ўзбек тили таълими олдидаги асосий мақсад:

- ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма шаклда (тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш) саводли баён қила олиш, яъни коммуникатив саводхонлигини ривожлантириш;
- билим даражаси юқори, ўй-фикрлари теран, ўз фикр-мулоҳазасини эркин баён эта оладиган, юзага келган муаммоларни бартараф эта оладиган ҳамда ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган янги авлодни камол топтириш;
- ушбу ўқув материали умумий таълим мазмунининг ички алоқадорликларидан юзага келиб, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятлари билан биргаликда қўшиб амалга оширилади.

Янги ўқув дастури ўқувчиларнинг тил доирасидаги билимларинигина кенгайтириб қолмасдан, балки уларнинг фанга, дарсга бўлган қизиқишларини, ҳавасини ҳам орттирадиган, эгаллаган билимларини амалда фойдаланишга ўргатадиган асосий ўқув воситаси ҳисобланади.

Инсоният жамиятида тилнинг аҳамиятини тушунтириш, она тилининг бугунги кундаги ижтимоий вазифасини, бошқа тиллар билан ўзаро алоқаси, туркий тиллар билан умумийлиги ҳақида маълумот беради. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш, ахборотни қабул қилиш, фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятларини ривожлантиради.

Фанни ўқитишнинг вазифалари:

- ўзбек тилини она тили сифатида алоқа тили ва билим олиш воситаси сифатида ўқитишни, сўз, сўз бирикмалари, гапларнинг матн ҳосил қилишдаги хизматини танитиш, тил бирликларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда матнлар ҳосил қилишга, матн ҳосил қилишдаги қонуният ва қоидаларга амал қилишга ўргатиш, тил фаолияти давомида оғзаки ва ёзма нутқ меъёрларини ўзлаштириш;
- фикрлаш салоҳияти, ақлий ривожланиш, мантиқий тафаккурини ўстириш;
- сўз бойлигини ошириш, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма шаклда саводли баён қила олиш, яъни коммуникатив саводхонлигини ривожлантиришга ўргатиш;
- нутқ маданиятининг асосий хусусиятларини англай олиш кўникмалари;
- ўқувчиларга тил ва нутқ ҳақида маълумот бериш, сўзлашиш маданияти элементлари билан таништириб бориш ва доимий сўзлашиш маданияти қоидаларига одатлантириш, уларнинг нутқи аниқ ва равон бўлишига эришиш.

Ўзбек тили фанини ўқитиш жараёни синфлар бўйича ўқув юкларлари тақсими:

- 1) 5-синфда 3 соат ҳафталик юкларли;
- 2) 6-синф 3 соат ҳафталик юкларли;
- 3) 7-синф 2 соат ҳафталик юкларли;
- 4) 8-синф 2 соат ҳафталик юкларли;
- 5) 9-синф 2 соат ҳафталик юкларли;
- 6) 10-синфларда ижтимоий-гуманитар ва табиий –математик йўналишларида 2 соат ҳафталик юкларли;
- 7) 11-синфларда ижтимоий-гуманитар ва табиий –математик йўналишларида 2 соат ҳафталик юкларли.

«Ўзбек тили» ўқув дастурининг мазмуни фаннинг боблари бўйича ўрганишга қаратилган. Боблар ўз навбатида бўлимларга бўлинади, уларда синфлар бўйича таълимий мақсадлар, кутиладиган натижалар ёритилган. Бўлимларда берилган таълимий мақсадлар ўқитувчига ўз ишини тизимли равишда нутқий фаолиятнинг тўрт кўникмаси бўйича режалаштириш, ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолаш ва уларни босқичлар бўйича ўқиб-ўрганиш ҳақида хабардор этиш имконини беради.

Ўқув дастури мазмуни 4 бобдан иборат: **тинглаш ва сўзлаш** , **ўқиш**, **ёзиш**, адабий тил меъёрларини сақлаш.

Мавзунинг долзарблиги

Ҳозирда таълим тизимида билим сифатини ошириш, рақобатбардош ва мустақил фикрлай оладиган шахсни тарбиялаш устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан ўқувчиларда қунт билан ўқиш кўникмасини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ахборотлар оқими кескин ортиб бораётган бугунги даврда ўқувчилардан фақат маълумотни қабул қилиш эмас, балки уни таҳлил қилиш, саралаш ва амалда қўллаш талаб этилмоқда. Бу эса қунт, сабр-тоқат ва масъулият билан ўқишни тақозо қилади. Шунингдек, таълим жараёнида юзага келаётган эътиборсизлик, тез зерикиш, ижтимоий тармоқларга ортиқча қизиқиш каби омиллар ўқувчиларнинг мунтазам ва самарали ўқишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда қунт билан ўқиш кўникмасини шакллантириш долзарб педагогик муаммолардан бирига айланмоқда. Мазкур мавзу замонавий таълим талаблари, шахс камолоти ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда муҳим аҳамиятга эга.



Мавзу мақсади

Ўқувчиларда қунт билан ўқиш кўникмасини шакллантиришнинг самарали усул ва воситаларини аниқлаш, уларни таълим жараёнига татбиқ этиш йўлларини ёритиш ҳамда ўқувчиларнинг мустақил, масъулиятли ва изчил таълим олиш фаолиятини ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, мавзу орқали:

- ❑ қунт билан ўқиш тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб бериш;
- ❑ мазкур кўникмани шакллантириш омилларини таҳлил қилиш;
- ❑ амалий тавсия ва методик ёндашувларни ишлаб чиқиш кўзда тутилади.



Вазифалари:

- қунт билан ўқиш тушунчасининг назарий асосларини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини ёритиш;
- ўқувчиларда қунт билан ўқиш кўникмасини шакллантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- таълим жараёнида самарали педагогик усул ва технологияларни таҳлил қилиш;
- ўқувчиларнинг мотивациясини ошириш йўлларини белгилаш.



Қунт билан ўқиш тушунчаси

Бу ўқувчининг билим олиш жараёнига онгли, масъулиятли ва изчил ёндашуви бўлиб, у дарс материалларини диққат билан ўрганиш, тушуниш, таҳлил қилиш ва амалда қўллашга интилишини англатади.

Қунт билан ўқиш қуйидаги хусусиятлар билан намоён бўлади:

- Диққат ва жамланганлик — ўқиш жараёнида чалғимаслик;
- Изчиллик — мунтазам ва режали равишда таълим олиш;
- Масъулият — топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- Мустақиллик — билимни мустақил излаш ва ўзлаштириш;
- Сабр-тоқат — қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёрлаш.

Демак, қунт билан ўқиш — бу шунчаки кўп ўқиш эмас, балки самарали, мақсадли ва онгли тарзда билим эгаллаш жараёнидир.



Воситалар

Дарслик ва ўқув қўлланмалар — асосий билим манбаи сифатида тизимли ишлашни таъминлайди.

- Қўшимча адабиётлар — билим доирасини кенгайтиради ва мустақил изланишга ундайди.
- Ахборот-коммуникация технологиялари (презентация, электрон дарслик, онлайн платформалар) — ўқиш жараёнини қизиқарли ва интерактив қилади.
- Топшириқ ва машқлар тизими — мунтазам такрорлаш ва мустаҳкамлаш имконини беради.
- Рағбатлантириш усуллари (маънавий ва моддий рағбат) — мотивацияни оширади.



Эбби Маркс-Бил тез ўқишга халақит берадиган учта катта хатони айтади.

1. Матнни овоз чиқариб ўқиш – бу тез ўқишни тўхтатиб қўяди.

2. Дарс ўқиётганда чалғиш яъни телефонни қўйиб, диққатни китобга қаратинг.

3. Бир сатрни қайта ўқиш – ҳар бир сатрни бир марта ўқиб, кейингисига ўтиш.




Тез ўқишнинг 4 та қадамли сири

1. Ҳар куни ўқиш одатини ўрнатинг. Ҳар қандай шароитда китобни ўқишга мажбур бўлинг – бу сизга диққатни жамлашга ёрдам беради. Ҳаттоки, жамият орасида ёки шовқинда ўқишни машқ қилинг!
2. Ўқиш учун тўғри позиция. Ётиб ўқиш яхши, лекин тез ўқиш учун энг яхши ҳолат – тўғри ўтириш. Бу сизга янада самарали ўқишга ёрдам беради.
3. Энергия тиклаш. Тез ўқишнинг энг яхши усулларида бири – ҳар 30 дақиқада бироз танаффус қилиб, оддий жисмоний машқларни бажариш. Бу мианинг қон айланишини яхшилайдиган ва ўқув жараёнини янада самарали қилади.
4. Ўқиш мақсади аниқлиги. Китобни ўқишдан олдин мақсадингизни аниқланг: нима маълумот олишни хоҳлайсиз? Агар ўқув материалдан мақсад билим олиш бўлса, ўқиган китобингизни юқори суръатда ўқишингиз мумкин.



Матн билан ишлаш



Меҳмон


Уйимизга келганда меҳмон,
«Хуш келинг» деб, солиб дастурхон.
Дастурхонни безатиб шу он,
Иззат билан қиламиз меҳмон.
Шундай одат — қонимизда бор,
Меҳмон учун ҳар нарса бисёр.
Сиз ҳам келинг, меҳмон бўлгани,
Бахт биз учун — уйнинг тўлгани!...

Абдулла Пўлатов

Матнолди топшириқ. “Билим кўприги” усули

Уйга меҳмон келганда қандай одобларни сақлашимиз керак?
Катталарга салом бериш нима учун зарурат ҳисобланади?
Салом бермаган болага нима айтиши мумкин?
Бир сўз билан ёзинг.

“Қадрият харитаси” усули




Ўша сўзларни қўллаб, бир тахминий гап тузинг.

“Қум соат” усулида гуруҳ билан ишлаш.

Матнни қунт билан ўқинг ва топшириқларни бажаринг.

Менинг бувим

Бувим мен учун энг ақлли, ҳалол инсон. У ўта нозик ва ниҳоятда чидамли аёл эди. Оқиш юзида ўзгача илиқлик билан меҳр билинарди. Бувимнинг бетидаги сепкиллари ва ажинлари, кўзининг остидаги холи ҳали ёдимда. Юзида кичкинагина анори ҳам бор эди. У эса уни бошқача жозибали этиб кўрсатарди. Бувим қора тўридан келган, қатъиятли, келишган, мулойим эди. Ҳар доим озода кийиниб, хонадонимизни тоза тутарди. Жудаям сабрли эди. Кўлидан ҳамма нарса келарди. Ширин овқат пишириб, тикиш тикадиган пишиқ, меҳнаткаш бўлган. Бувимнинг хулқ-атвори ҳам кўпга намуна бўлди. У жудаям ҳаққоний, сабрли эди. Қишлоқдагилар бувимдан маслаҳат сўрарди, ўзининг ҳаётдаги тажрибаси билан бўлишиб барчага ёрдамлашарди. Ёшлигимда Абайнинг «Илм топмай мақтанма» шеърини ўқиб берарди. У ўша вақтда «душман» деган сўзнинг маъносини тушунтириб, ялқовлик билан нодонликнинг кишига зиён эканлигини айтиб ўтирарди. Бувим вафот этган бўлса-да, унинг сўзлари ҳозиргача қулоғим остида жаранглайди. Ҳозир бувимни соғинаман, ҳозирдаям болача қучоқлаб эркалагим келади. Унинг ҳар бир сўзи, ҳиди, ҳатто, юзидаги кичкинагина чандиғи ҳам кўз ўнгимда гавдаланиб туради. У ҳамиша менинг юрагимдадир.



(Таржима)



1-гуруҳ. Сўз туркумларини аниқланг.

сепкиллар

.....

ажинлар

.....

чандиқ

.....

хол

.....

мулойим

.....

оқиш

.....

чиройли

.....

душман

.....

чидамли

.....

жозибали

.....

ҳаққоний

.....

сабрли

.....

пишиқ

.....

озода

.....

меҳнаткаш

.....

бувим

.....

➡ 2- гуруҳ. Сепкиллар, ажинлар, ҳол, чандиқ, анор, оқиш, озода – ушбу сўзларни расмга мос таққосланг.



3-гуруҳ. Калит сўзларни тўлдилинг

<i>Ташқи кўриниши</i>	<i>Хулқ-атвори</i>
<i>Сепкил</i>	<i>ҳалол</i>

Калит сўзлар: сепкил, нозик, ҳол, жозибали, чандиқ, ҳалол, қатъиятли, сабрли, келишган, ажин, илиқлик, меҳр, озода, меҳнаткаш.

 4-гуруҳ. Калит сўзлар ёрдамида расмларни тасвирлаб беринг



.....
.....
.....

.....
.....
.....

.....
.....
.....

.....
.....
.....

Калит сўзлар: сепкил, нозик, ҳол, жозибали, чандиқ, ҳалол, қатъиятли, сабрли, келишган, ажин, илиқлик, меҳр, озода, меҳнаткаш.

“Ечимини топ” усули орқали жуфтликда шахсий фикр билдириш

Чорасиз ота



Европада бир бола оғир касал бўлиб қолди. Шифокорлар унинг ўлим ёқасида эканлигини айтишди. Аммо уни фақат битта дори қутқариб қолди - бу шаҳарда яқинда топилган махсус дори. Дори тайёрлаган фармацевтнинг ўзи 200 долларга тайёрлаб қўйган. Аммо у дорини 2000 долларга сотаётган эди, бу эса асл нархидан ўн баробар кўп. Беморнинг отаси пул йиғишни бошлади. У барча танишларидан қарз олди, ҳар қандай имкониятдан фойдаланди. Аммо у атиги 1000 долларни тежашга муваффақ бўлди - дорининг ярим пули. Ота дорихонага бориб, аҳволини тушунтирди: “Ўғлим ўлим тўшагида, дорининг нархини пасайтиринг ёки кейинроқ тўлашимга рухсат беринг”. Аммо фармацевт рад жавобини берди: “Йўқ. Мен бу дорини кашф қилиш учун кўп меҳнат қилдим. Мен ундан пул топишим керак”. Ота умидини узди. У ҳар бир эшикни тақиллатди, аммо ҳеч ким ёрдам бермади. Кечаси ота дорихонага бостириб кириб, дорини ўғирлаб кетди.

“Ечимини топ” усули орқали жуфтликда шахсий фикр билдириш



Мунозара учун саволлар:

Ота дорини ўғирлаши керакмиди? Нега ҳа? Нега йўқ?

Фармацевт тўғри иш қилдими? Нега ҳа? Нега йўқ?

Унинг рад этиши адолатли бўлганми? Нега ҳа? Нега йўқ?

Қонун бузилди, лекин бу ахлоқийми? Нега ҳа? Нега йўқ?

“Рўзнома” усули орқали якка иш.

Матндаги ғояни аниқланг ва шунга мос мақол келтиринг

Бир томчи овқат

Форс шоҳлари орасида биттаси жуда қудратли, лекин ўта ёвуз эди.

Бир куни шоҳнинг бош ошпази унга егулик олиб кирганида овқатнинг бир томчиси дастурхонга томибди. Шоҳ ошпазга қарабди. Ошпаз ўша заҳоти уни қатл жазоси кутаётганини сезибди.

Шунда у қўлидаги овқат тўла идишни бир йўла дастурхонга ағдарибди-да, жўнаб қолибди. Шоҳ уни ҳузурига чақиртириб, сўрабди.

— Нега бундай қилдинг? Мен кўрдим, сен овқатни дастурхонга атайлаб томдирганинг йўқ, бунда сенинг ёмон ниятинг бўлмаганди. Лекин кейин нима учун бор овқатни ағдариб кетдинг?

— Подшоҳ учун мен уялиб кетдим, — деб жавоб қилди ошпаз. — Чунки мени қатл этади деб ўйладим. Тасодифан томиб кетган бир томчи овқат учун шоҳим ўзининг кекса, содиқ ва тажрибали хизматкорининг қонини тўкади. Шу боисдан мен каттароқ гуноҳ қилишни лозим топдим. Шоҳга мени қатл эттириш учун чинакам баҳона бўлсин, дедим-да.

— Гуноҳингни тан олишинг сени қатл эттиришдан қутқаради, — раҳм қилди шоҳ, — лекин жазодан асраб қололмайди.

Шоҳ шундай деди-да, ошпазга юз дарра уришни, кейин эса лозим даражада мукофотлашни буюрди.

Иброҳим ал-Хусрийнинг “Адабиёт гуллари” китобидан

Топшириқлар:

I. Оғзаки топшириқ

(Фикр ташлаш)

1. Матндаги қўпол хатти-ҳаракатларни кўрсатинг.
2. Подшоҳ ўрнида ҳукм чиқаринг.
3. “Ҳар бир яхши амал қадрли” ушбу гапни изоҳланг.

II. Ёзма топшириқ

(Сўз гавҳарларим...)

1. Тўртта сўзни синоним ва антонимлар билан алмаштириб ёзинг.
2. Тўртта сўздан тўртта сўз бирикмаси тузинг.
3. Тўртта сўздан бирини сарлавҳага қўйиб, тўрт мисрали шеър ижод қилинг.

Хулоса

Ўқувчиларда қунт билан ўқиш кўникмасини шакллантириш — таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Қунт билан ўқиш ўқувчининг диққатини жамлаш, мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш ва билимни чуқур ўзлаштириш қобилиятини ривожлантиради.

Мазкур кўникмани шакллантиришда:

- * дарс жараёнида фаол методлардан фойдаланиш;
- * мотивацияни кучайтириш;
- * мунтазам назорат ва рағбатлантириш;
- * мустақил ўқиш ва таҳлил қилиш топшириқларини бериш;
- * ўқитувчи ва ота-оналар ҳамкорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Қунт билан ўқиш кўникмаси тизимли ва мақсадли ёндашув асосида шакллантирилади ҳамда у ўқувчининг келгусидаги таълим ва ҳаёт фаолиятида муваффақият гарови бўлиб хизмат қилади.

**Эътиборингиз учун
рахмат!**

